



Ислом Нури

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Банданинг Роббисига энг яқин бўлган ҳолати саждада турганидадир, (саждада турганда) дуони кўпроқ қилинган», дедилар.

Имом Термизий Анас розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Азон ва иқомат орасидаги дуо қайтарилмайди», дедилар.

Имом Абу Довуд Саҳл Ибн Саъд розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Икки ҳолат борки ундаги дуо ҳеч қайтарилмайди – ёки камдан-кам қайтарилади- : Азондан кейинги дуо ва жанг майдонида икки тараф бир бирига киришиб кетганида», дедилар.

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Роббимиз Таборака ва Таоло ҳар кеча, кечанинг учинчи қисми қолганда Самоуд-дунёга тушиб: Ким менга дуо қилади дуосини ижобат қиламан, ким мендан сўрайди тилагини бераман, ким мендан мағфират сўрайди уни мағфират қиламан, дейди».

Шарҳ

Дуо ижобат бўлиши умид қилинадиган хос вақтлар бор. Муслмон киши бу вақтларни ғанимат билиб, фурсатни қўлдан кетказмай кўпроқ дуо қилишга ҳаракат қилмоғи керак. Бу вақтлар: муслмон киши саждада турганида Роббисига энг яқин бўлган вақт. Саждада туриб кўпроқ дуо қилиш мустаҳаб, шунингдек азон билан иқомат орасидаги дуо қайтарилмайди, жанг майдонида уруш авжига чиқиб, қизиганда



ҳам дуо қайтарилмайди. Ҳар кеча, туннинг охириги қисмида Аллоҳ таоло Самоуд-дунёга тушиб дуоларни ижобат қилади. Бундан бошқа дуо ижобат бўладиган вақтлар ва ўринлар бор уларни ҳам билиб олишга ҳаракат қилинг.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар

1. Дуолар ижобат бўлиши умид қилинадиган хос вақтлар бор.
2. Мусулмон киши бу вақтларни ғанимат билиб кўпроқ дуо қилишга ҳаракат қилмоғи керак.